

# Салафи солиҳларимизнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббатлари (биринчи мақола)



15:00 / 28.10.2020 1815

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қилиш ва у зотни улуғлаш диндан бўлиб, ибодат саналар экан, у ҳолда ибодатнинг ўрни қалб, тил ва тана аъзоларидир.

**Қалбнинг амали:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатни ўзига, ота-онасига, оиласига, фарзандларига бўлган муҳаббатдан устун қўйиш. У зоти бобаракотнинг ҳайбатларини ҳис қилиш, ой юзларини кўришни соғиниш, ҳукм ва буйруқларини улуғлаш, у зот алайҳиссалом яхши кўрган кишиларни ва нарсаларни яхши кўриш, у зот алайҳиссалом ёмон кўрган кишиларни ва нарсаларни ёмон кўриш, у зоти

бобаракотга етган озорлардан маҳзун бўлиш.

**Тилнинг амали:** Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари зикр қилинганда одоб сақлаш, исмларини ёлғиз зикр қилмай, Пайғамбаримиз ёки Расулуллоҳ деган сўзлар билан бирга зикр қилиш, исмлари зикр қилинганда саловот айтиш, у зот алайҳиссаломнинг сийратларини ўрганишга машғул бўлиш, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган зикрларни кўп айтиб юриш ва қилган дуолари билан дуо қилиш, сифатлари, ахлоқлари, ташқи кўринишлари, фазилатлари, Пайғамбарликларига далил бўладиган нарсаларни пухта ўрганиш, суннатларини, мақомларини ва ҳақларини бошқаларга ҳам ўргатиш.

**Тана аъзолари амали:** суннатларига эргашиш, қилган ишларини қилиш, тарк этган ишларидан четланиш, яшаш тарзлари, ахлоқлари билан безаниш ва у зот алайҳиссаломга тўлиқ эргашиш орқали муҳаббатни камолига етказиш.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қандай бўлишини салафи солиҳларимиздан ўрганамиз. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга юқорида зикр қилинган амалларни бажариб, барча аъзоларини ишга солиб муҳаббат қилганлар. Улар саҳобалар, тобеинлар ва табаъа тобеинлардир. Мазкур инсонлар яшаган даврлар замонларнинг энг яхшилари дейилади. Ушбу зотлар Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламни севишда кейинги даврда яшаган, яшаётган ва яшайдиган барча мусулмонларга ўрнақдирлар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тикилиб қарамасдилар, у зоти бобаракотнинг ҳузурларида овозларини баланд кўтармасдилар, бирор ишни ўзларича қилмай, фақат у зот алайҳиссалом амр қилган ишни бажарардилар, агар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам гапирсалар, улар гўё бошларида қуш тургандек, у зотдан ҳайбатланганларидан ва улуғлаганларидан жим туриб тинглардилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг қўлида тилла узук кўриб қолдилар-да, ечиб, ташлаб юбордилар ва **«Сизлардан бирингиз дўзахнинг чўғини қасд этиб, уни қўлига (узук) қилиб олади-я!»** дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетганларидан сўнг унга «Узугингни олиб, ундан фойдалан (яъни узук сифатида эмас, эритиб ёки сотиб, пулини ишлат) дейилганда, У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташлаб юборган нарсани ҳеч

қачон олмайман» деди».

*Имом Муслим ривоятлари.*

Ибн Абу Мулайка раҳимаҳуллоҳ айтади:

«Икки яхши инсон сал бўлмаса ҳалок бўларди-я, – яъни Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Тамим элчилари келганда, бирлари Ақро ибн Ҳобис Ҳанзалийга, иккинчилари бошқа бир кишига ишора қилдилар. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу Умар розияллоҳу анҳуга: «Сен фақат менга хилоф қилишни ирода этдинг» дедилар. Умар розияллоҳу анҳу «Сизга хилоф қилишни ирода этмадим» дедилар. Шу тарзда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдларида уларининг овозлари баландлаб кетди. Шунда **«Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Набийнинг овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек, баланд сўзламанг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин»** ояти нозил бўлди.

Ибн Абу Мулайка айтади:

«Ибн Зубайр шундай деган: «Шундан кейин Умар қачон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор гап гапирадиган бўлса, сирдошлардек паст овозда гапирарди. Ҳатто (Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам) ундан баландроқ, эшитиладиган қилиб гапиришини талаб қилардилар».

*Имом Бухорий ривоятлари.*

*(Давоми бор)*

**Муҳаммад Вафийқ Зайнулобидин мақоласи асосида**

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**